

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Кузатув кенгашининг
2025 йил 28-ноябрдаги
18-сонли мажлис баёни билан
“Тасдиқланган”

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг 2026 йил учун БИЗНЕС РЕЖАСИ

Тошкент шаҳри

Бизнес режа мазмуни

1. КИРИШ	3
2. ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ.....	3
3. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	9
4. МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ.....	10
5. ЭНЕРГОРЕСУРСЛАР ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРНИНГ САРФИ	10
6. ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖАСИ	14
7. МОЛИЯВИЙ РЕЖА.....	16
8. ЖАМИЯТНИНГ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ	18
9. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРНИ ЎНДИРИШ	19
10. ЖАМИЯТНИНГ 2026 ЙИЛДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРАДИГАН ИШЛАРИ.....	20
11. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	20
12. КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ИШ ҲАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ	20
13. ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ	22
14. ХУЛОСА	22

ИЛОВА ҚИЛИНАДИГАН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАР:

1-илова. Жамиятнинг таъкилий тузилмаси;

2-илова. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати;

3-илова. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2026 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси;

4-илова. “Худудий электр тармоқлари” АЖга расмийлаштирилган кредитларнинг сўндирилиши (қайтариши) тўғрисида маълумот;

5-илова. Жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари;

6-илова. 2026 йил учун прогноз баланси ва молиявий натижалар прогнози ҳисоботи;

7-илова. 2026 йилда электр энергиясини сотиш режаси;

8-илова. 2026 йилда таъмирлаш фонди режаси;

9-илова. 2026 йилда маҳсулот таннархини қисқартириш чора-тадбирлари.

1. КИРИШ

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти – электр энергиясини якуний истеъмолчиларга тақсимловчи, сотувчи, тизим корхоналари ва худудий филиалларни бошқарувчи махсус ваколатли хўжалик бошқаруви органи ҳисобланади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг электроэнергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сонли қарорига мувофиқ, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО-сонли буйруғи билан ташкил этилган.


“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг амалдаги ташкилий тузилмаси Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядорининг 2024 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган.

Жамият Марказий аппарати шахсий таркибининг умумий сони 268 штат бирлигини, Жамият тизимидаги корхоналар ва худудий филиаллар ходимларининг умумий сони эса 27 204 штат бирлигини ташкил этади (1-илова).

2. ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ

1.1. Жамият ҳақида умумий маълумот.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ билан боғланиш учун:
100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Осиё кўчаси, 8.
Факс (+998 78) 150-75-35, e-mail: info@het.uz.



Республика иқтисодиёти ва аҳоли истеъмолчиларини барқарор электр энергияси билан таъминлаш, тизим корхоналари ва ҳудудий филиалларни бошқариш каби асосий вазифалардан келиб чиқиб, “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2025 йил 31 октябрдаги 29-сон баённомасига мувофиқ электр энергиясини сотишдан ажратилган маблағлари ҳисобига Республика ҳудудларида Давлат дастурлари асосида электр тақсимлаш тармоқларида модернизация ва янгилаш ишларини амалга ошириш йўли билан ўз тузилмасининг комплекслигини таъминлаб келмоқда.

Жамият таркибий тузилмасига акциядорлик жамиятлари шаклидаги 2 та ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, 12 та ҳудудий филиал, шунингдек, “Энергосавдо”, “Худудий қурилиш монтаж дирекцияси”, “Давлат харидлари маркази” ва “Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази” филиаллари киради.

Айни пайтда Жамият марказий ижро аппаратида 244 нафар ходим фаолият юритмоқда. Шунингдек, “Энергосавдо” филиалида – 3 041 нафар, “Худудий қурилиш монтаж дирекцияси” филиалида – 143 нафар, “Давлат харидлари маркази” филиалида – 110 нафар ва “Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази” филиалида – 10 ходим иш билан таъминланган. Жамиятнинг 12 та ҳудудий филиалида – 17 382 ходим ҳамда акциядорлик жамияти шаклидаги иккита алоҳида корхонада жами 3 850 киши меҳнат қилмоқда.

2.2 Таркибий корхоналарнинг мавжуд ва прогноз қилинадиган қувватларининг салоҳияти.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти қуйидагиларни амалга оширади:

- тизим корхоналари ва худудий филиалларни бошқариш;
- истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ республика худудида саноат, бюджет, қишлоқ хўжалиги ва маиший истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлайди. Ишончли ва сифатли электр энергияси етказиб бериш тармоқларнинг схемалари ва параметрлари тўғри танланишига боғлиқ.

Жамият тасарруфидаги мавжуд электр энергияси объеклари:

- ✓ 110 кВ кучланишли нимстанциялар (КН) – 140 дона;
- ✓ 35 кВ кучланишли нимстанциялар (КН) – 219 дона;
- ✓ трансформатор пунктлари (ТП) 6-10/0,4 кВ – 101 417 дона;
- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 110 кВ – 2 705,2 км;
- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 35 кВ – 2 287,6 км;
- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 6-10 кВ – 103 759,7 км;
- ✓ электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) 0,4 кВ – 155 726,1 км.

Жамиятдаги электр энергия тақсимлаш тармоқлари ва подстанцияларнинг мавжуд қувватлари истеъмолчиларни 21 208 МВА фойдали электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Бироқ, яқин келажакда электр узатиш



тармоқлари ва трансформатор пунктларининг эскириш даражаси юқорилигича сақланиб қолишидан келиб чиқилиб, мазкур қувватлар мукамал модернизация қилинмаса, янгиларини ишга тушириш бўйича тегишли чоралар кўрилмаса, электр энергияси таъминоти ишончлилиги масаласида муайян муаммолар вужудга келиши мумкин.

Республика иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланаётгани, пировардида электр энергиясига бўлган талаб доимий ўсиб бораётгани электр тақсимлаш тармоқларини янада ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо этмоқда. Таҳлиллар 2030 йилга келиб электр энергия истеъмоли деярли 1,5 баробарга ортишини кўрсатмоқда.

Кейинги 2-3 йил ичида “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув тизимида ривожланган давлатлар энергетика тармоқларида қўлланилаётган технологиялар, хусусан, тармоқ барқарорлигини ошириш, электр энергия

истеъмолчиларининг техник ва тижорий ҳисоби учун йўқотишлар ва харажатларни камайтиришга қаратилган “ақлли” технологияларни жорий қилишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Жамият тасарруфида умумий узунлиги 264 478,6 км дан ортиқ 0,4-110 кВ кучланишли электр тармоқлари, 359 та 35-110 кВ кучланишли подстанция ва 101 417 дона 6-10 кВли трансформатор пунктлари мавжуд.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан узунлиги қарийб 10 минг км бўлган 220–500 кВ кучланишдаги магистраль электр тармоқлари орқали электр энергияси ишлаб чиқарувчи манбалардан тақсимлаш ва сотиш корхоналарига электр энергияси етказиб берилади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг акциядорлик жамиятлари шаклидаги 2 та худудий электр тармоқлари корхонаси ва 12 та худудий филиали тасарруфида бўлган узунлиги 264,5 минг км 0,4-110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари орқали, ўз навбатида, истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш ва сотиш вазифасини амалга оширилади.

Жамиятнинг 2026 йилга мулжалланган Бизнес-режаси бўйича амалга ошириладиган ишлар бажарилиши натижасида 2026 йилнинг якунига қадар:

- республика истеъмолчиларига жами 49,4 млрд кВт.с электр энергияси етказиб берилади;

- 29,6 минг км электр узатиш тармоқлари ва 10,3 минг дона трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган;

- жами 130 миллион АҚШ доллари миқдоридаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилади;

- шунингдек, 6 300 км электр узатиш тармоқлари ва 1 700 трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилинади.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти тизим корхоналари ва худудий филиалларидаги мавжуд электр энергияси истеъмолчилари (мижозлари) сони


№	Корхона номи	Мижозлар (абонент) сони, дона	шу жумладан		2026 йилда етказиб бериладиган электр энергияси ҳажми миллион кВт.соат	шу жумладан	
			жисмоний шахслар	юридик шахслар		жисмоний шахслар	юридик шахслар
1	Тошкент худудий филиали	793 385	758 624	34 761	4 917,1	2 088,7	2 828,5
2	Тошкент шаҳар филиали	792 009	754 150	37 859	6 428,8	2 225,0	4 203,8

3	Андижон ҳудудий филиали	737 333	711 508	25 825	4 452,8	2 721,5	1 731,3
4	Самарқанд ҳудудий филиали	1 021 062	933 755	87 307	4 693,3	2 788,5	1 904,8
5	Сурхондарё ҳудудий филиали	600 206	565 144	35 062	2 942,2	1 343,3	1 599,0
6	Наманган ҳудудий филиали	687 141	650 344	36 797	4 666,7	2 157,5	2 509,2
7	Қорақалпоғистон ҳудудий филиали	423 498	399 506	23 992	1 478,5	812,2	666,3
8	Қашқадарё ҳудудий филиали	811 749	749 893	61 856	5 234,9	1 485,6	3 749,3
9	Жиззах ҳудудий филиали	316 214	293 911	22 303	1 678,2	840,4	837,9
10	Навоий ҳудудий филиали	293 433	272 585	20 848	1 447,7	663,1	784,6
11	Сирдарё ҳудудий филиали	212 163	193 810	18 353	1 739,2	670,9	1 068,2
12	Хоразм ҳудудий филиали	461 202	428 197	33 005	2 213,6	1 168,5	1 045,1
13	“Бухоро ХЭТК” АЖ	501 892	467 510	34 322	3 096,3	1 088,5	2 007,8
14	“Фарғона ХЭТК” АЖ	948 588	885 902	62 686	4 385,8	2 606,9	1 779,0
	Жами:	8 599 875	8 064 899	534 976	49 375,4	22 660,7	26 714,7

Истеъмолчилар сони



2026 йилда етказиб бериладиган электр энергиясининг
умумий ҳажми 49 375,4 млн.кВт/с ташкил этади.



2026 йилга мўлжалланган прогнозга кўра, республика истеъмолчиларига 49,4 млрд.кВт/соат электр энергияси етказиб бериш режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2026 йилда қуйидагилар амалга оширилади:

- узунлиги 6 300 км дан ортиқ тақсимловчи электр тармоқларини янгилаш, реконструкция ва модернизация қилиш;
- 1 700 дан ортиқ трансформатор пунктларини янгилаш, реконструкция ва модернизация қилиш;

3. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқаруви ҳисобланади.

Жамиятнинг олий бошқарув органи Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти устав фондининг 59,97 фоизи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, 40 фоизи “Миллий инвестиция жамғармаси” акциядорлик жамиятига тегишли.

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ва Жамият уставида назарда тутилган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирган масалалар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгаши таркиби 7 та аъзодан иборат, уларнинг шахсий таркиби Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижроия органи – Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув 6 кишидан, Жамиятнинг барча оддий овоз берувчи акцияларининг Ягона эгасининг қарори билан тасдиқланадиган Бошқарув раиси ва унинг 5 нафар ўринбосаридан иборат.

Жамиятнинг жорий устав капитали 8 515 638 894 900,0 сўм бўлиб, номинал қиймати 100 сўм бўлган 85 130 491 444 дона оддий ва 25 897 505 дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

4. МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ

Жамиятнинг 12 та худудий филиали ва 2 та акциядорлик жамияти кўринишидаги корхоналар томонидан истеъмолчиларга 0,4 кВ дан 10 кВ гача кучланишли электр энергияси етказиб бериш ва сотиш таъминланади. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сон қарорига асосан “ISO 9001: 2009” халқаро стандартларига жавоб берадиган сифат менежменти тизимига мувофиқлик сертификати мавжуд бўлиб, унга асосан тизимда ҳужжатлар юритилиши техник жиҳатдан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 69-сон қарорига асосан, барча электр энергетика объектларида электр ускуналар эксплуатациясига оид ишлар амалга оширилади.

5. ЭНЕРГОРЕСУРСЛАР ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРНИНГ САРФИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 57-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг туман ва шаҳар маъмурий биноларига ўрнатилган қуёш панеллари бўйича 2026 йил учун кутилаётган иқтисодий самарадорлик Жамият корхоналари томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш

панелларини ўрнатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режаси ҳисобига 2 261,8 минг кВт.с электр энергияси ёки 2 261,8 млн. сўм иқтисод қилиш кўзда тутилган. “Худудий электр тармоқлари” АЖ корхоналарида ўрнатилган қуёш панелларининг жами қуввати 2 009,0 кВт.га тенг, бир йилда ўртача 3 616,2 кВт.с электр энергияси ишлаб чиқарилади.

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖНИНГ ТУМАН ВА ШАҲАР МАЪМУРИЙ БИНОЛАРИГА ЎРНАТИЛГАН ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ БЎЙИЧА 2026 ЙИЛ УЧУН КУТИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК

№	Худуд номи	Қуёш панели ўрнатиш бўйича лойиҳа қиймати (млн. сўмда)	Молиялаштириш манбалари		Қуёш панели ўрнатиладиган майдон, минг м2	Қуёш панели қуввати		Иқтисод		ҲЭТга сотилиши	
										(мавжуд бўлса)	
			Ўз маблағлари	Бошқа маблағлар (хорижий инвестиция, банк, кредит.)		соатига, кВт. (қуввати)	1 йилда, минг (кВт.соат)	миқдори, минг кВт.соат (1 йилда кутилаётган)	сумма	миқдори, минг кВт.соат 1 йилда кутилаётган)	сумма
ЖАМИ:		13 256,9			9,2	2 009,0	3 616,2	2 261,8	2 261 816 000,0	364,1	291 320 000,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	737,6	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,53	105	189	143,01	143 010 000,0	45,99	36 792 800,0
2	Андижон вилояти	471,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,53	105	189	188,8	188 800 000	0,20	160 000,0
3	Бухоро вилояти	1 064,5	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,55	110	198	134,19	134 190 000,0	63,81	51 048 000,0
4	Жиззах вилояти	487,5	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,43	85	153	153	153 000 000,0	0,01	8 000
5	Қашқадарё вилояти	1 149,5	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,53	105	189	164,1	164 100 000,0	24,90	19 920 000,0
6	Навоий вилояти	1 456,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,90	180	324,0	276,2	276 200 000,0	23,80	19 040 000,0

№	Худуд номи	Қуёш панели ўрнатиш бўйича лойиҳа қиймати (млн. сўмда)	Молиялаштириш манбалари		Қуёш панели ўрнатиладиган майдон, минг м2	Қуёш панели қуввати		Иқтисод		ХЭТга сотилиши	
			Ўз маблағлари	Бошқа маблағлар (хорижий инвестиция, банк, кредит.)		соатига, кВт. (қуввати)	1 йилда, минг (кВт.соат)	миқдори, минг кВт.соат (1 йилда қутилаётган)	сумма	миқдори, минг кВт.соат 1 йилда қутилаётган)	сумма
7	Наманган вилояти	850,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,43	85	153	142,8	142 800 000,0	10,20	8 160 000,0
8	Самарқанд вилояти	1 226,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,63	127	228,6	181,016	181 016 000,0	14,58	11 664 000,0
9	Сурхондарё вилояти	1 365,7	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,68	135	243	220,2	220 200 000,0	22,80	18 240 000,0
10	Сирдарё вилояти	684,3	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	2,1	425	765	103,3	103 300 000,0	41,70	33 360 000,0
11	Тошкент вилояти	1 030,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,50	100	180	121,4	121 400 000,0	58,60	46 880 000,0
12	Фарғона вилояти	1 455,1	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,60	255	459	209,6	209 600 000,0	6,40	5 120 000,0
13	Хоразм вилояти	779,7	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,52	137	246,6	134,9	134 900 000,0	50,46	40 368 000,0
14	Тошкент шаҳри	500,0	Ўз маблағлари	Ўз маблағлари	0,27	55	99	89,3	89 300 000,0	0,70	560 000,0

6. ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ, 2026-2030 йиллар давомида “Худудий электр тармоқлари” АЖда Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида электр тақсимлаш тармоқлари, подстанцияларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 378,2 млн АҚШ долл. ташкил этади, шундан:

- янги қурилиш қиймати – 550 млн. долл;
- модернизация ва реконструкция учун “Республика бўйича 0,4-6-10 кВ кучланишли тақсимлаш тармоқлари ва электр таъминоти объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳаси қиймати 828,2 млн. АҚШ долл.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ барча инвестиция лойиҳалари учун тармоқ графиклари ишлаб чиқилган бўлиб, унда иш ҳажми, уларни яқунлаш муддатлари ва масъул ижрочилар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ инвестиция лойиҳалари, шунингдек, бошқа тармоқлар лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ташқи электр таъминоти учун “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан 2026 йилда умумий қиймати 130 миллион АҚШ долларига тенг тақсимлаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш лойиҳалари амалга оширилади, шу жумладан молиялаштириш манбалари ҳисобидан:

- хорижий инвестициялар – 100,0 млн. АҚШ доллари;
- ўз маблағлари – 30,0 млн. АҚШ доллари.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш, электр тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Жамият тизим корхоналари ва худудий филиалларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун электр энергияси тушумларини кўпайтириш, шу жумладан ички имкониятларни ишга солиш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 19-мартдаги тегишли қорори билан пеллет махсулаотларни ишлаб чиқарувчи “BIO-PELLET” МЧЖ ҳамда 2024-йил 16-июлдаги 426-сонли қорори билан Энергетика вазрлиги қошида “Ёқилғи-энергетика соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” МЧЖ ташкил этилиши ҳамда ушбу МЧЖларнинг таъсисчиси сифатида бир қатор энергетика соҳаси корхоналир қаторида “Худудий электр тармоқлари” АЖ ҳам таъсисчи бўлиб иштирок этиши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Жамият томонидан 2026 йилда “BIO-PELLET” МЧЖга таъсисчи сифатида 3,0 млрд.сўм пул маблағи ҳамда “Ёқилғи-энергетика соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” МЧЖга таъсисчи сифатида 2,1 млрд.сўм пул маблалари киритилиши кўзда татилган.

2-илова. “Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати”.

2025-2026 йилларда янги электр тақсимлаш тармоқлари объектлари қуриш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича инвестицияларни ўзлаштириш динамикаси

млн. АҚШ долл.

Номи	Ҳукуматнинг 2025 йилги қарорларига мувофиқ		Ҳукуматнинг 2026 йилги қарорларига мувофиқ		2025 йил 10 ойда амалда бажарилиши
	2025 йил учун жами инвестициялар	жумладан, ўз маблағлари ҳисобидан	2026 йил учун жами инвестициялар	жумладан, ўз маблағлари ҳисобидан	
Жами:	300,0	40	130,0	30	139,6
Янги қурилиш	150	0	50	0	0
Модернизация ва реконструкция	200	40	80	30	139,6

7. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2025 йил 31 октябрдаги 29-сон баённомаси билан электр энергиясини сотишдан тушган маблағларни электр энергетика корхоналари ўртасида тақсимлаш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг худудий филиалларидан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, электр энергетика объектларини эксплуатацияси учун асосий манбалар ҳамда 2026 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖ хўжалик фаолиятини амалга ошириш, истеъмолчиларга электр энергияси сотиш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек Жамият улушига ҳисобланган дивидендлар кўринишида маблағлар тушиши режалаштирилган.

2026 ЙИЛ УЧУН МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ

(млрд.сўмда)

№	Номи	2025 (кутилаётган)	2026 (режа)
I	ДАРОМАДЛАР ҚИСМИ		
1.	“Худудий электр тармоқлари” АЖ филиаллари томонидан электр энергиясини сотишдан олинган соф тушум	42 598,2	38 728,8
2.	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	3 380,6	2 067,2
3.	Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	1 289,6	104,1
3.1	шу жумладан: Дивиденд даромади	0,0123	16,3
	Жами:	47 268,4	40 900,1
II	ҲАРАЖАТЛАР ҚИСМИ		
1.	Сотилган маҳсулотлар ва хизматлар таннари	37 064,2	33 152,6
1.1.	Сотиб олинган э/энергия (ққс ва техн.йўқотишсиз)	32 528,1	26 048,1
1.2.	Бошқа ташкилотлар и/ч хизматлари	94,1	147,6
1.3.	Ёрдамчи материаллар	63,6	78,8

1.4.	Ёқилғи ва мойлаш материаллари	53,8	66,8
1.5.	Иш ҳақи фонди ягона ижтимоий тўлов билан	1 234,5	1 878,3
1.6.	Асосий воситаларнинг амортизацияси	897,4	1 045,6
1.7.	Таъмирлаш фонди	228,0	238,3
1.8.	Бошқа ишлаб-чиқариш харажатлари	1 964,7	3 649,1
1.8.1	Шу жумладан :Технологик ёқотишлар	1 866,4	3 583,7
2.	Давр харажатлари	6 623,6	5 055,5
2.1.	Бошқа ташкилотлар хизматлари	1 678,0	1 714,1
2.1.1	Шу жумладан :Транспортировка харажатлари (Бухоро,Фарғона)	1 674,9	1 710,1
2.2.	Ёрдамчи материаллар	2,4	3,6
2.3.	Ёқилғи ва мойлаш материаллари	6,2	7,8
2.4.	Иш ҳақи фонди ягона ижтимоий тўлов билан	1 494,4	2 424,0
2.5	Асосий воситаларнинг амортизацияси	292,8	358,8
2.6	Таъмирлаш фонди	2,5	24,5
2.7	Бошқа харажатлар	3 147,3	522,7
2.7.1	Шу жумладан, солиқлар	134,6	108,9
3.	Молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар (қайта берилган ссудалар бўйича фоизлар ва валюта курсидаги фарқлардан кўрилган зарарлар)	2 729,7	2 177,6
4.	Умумий харажатлар	46 417,5	40 385,8
5.	Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда	850,9	514,3
6.	Фойда солиғи	171,1	77,2
7.	Соф фойда (ёки зарар)	679,8	437,2

Шу билан бирга, “Худудий электр тармоқлари” АЖ таркибидаги алохида юридик шахс мақомига эга корхоналар устав капиталидаги Жамиятга тегишли бўлган улушлар бўйича 2026 йил давомида уларнинг соф фойдасининг камида 50 фоиз миқдорида дивидендлар ҳисобланиши режалаштирмоқда.

**2026 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг улушига
хисобланиши режалаштирилган дивидендларнинг жадвали**

№	Корхона номи	2025 йил якуни бўйича кутилаётган соф фойда миқдори, млн сўм	2025 йил якуни бўйича 2026 йил давомида “Худудий электр тармоқлари” АЖ улушига хисобланадиган дивидендларнинг прогноз миқдори, млн сўм
1	“Бухоро ҲЭТК” АЖ	65 306,5	16 326,6
2	"Фарғона ҲЭТК" АЖ		
	Жами:	65 306,5	16 326,6

Шундай қилиб, 2026 йил давомида электр энергиясини сотиш 38 728,8 млрд. сўм ва хизматлар кўрсатишдан кутилаётган тушумлар 2 067,2 млрд. сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга, сотилган маҳсулот ва хизматларнинг таннарҳи – 33 152,6 млрд. сўмни, давр харажатлари – 5 055,5 млрд. сўмни, молиявий фаолият харажатлари – 2 177,6 млрд. сўмни ташкил этади. Жамиятнинг 2026 йил якунига кўра кутилаётган соф фойдаси 437,2 млрд сўмни ташкил этади.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ва унинг таркибий корхоналари учун 2026 йил учун молиявий ресурслар прогнози ҳисоби илова қилинади.

8. ЖАМИЯТНИНГ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Кредитдан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш босқичи тўғрисидаги маълумотлар.

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2026 йил 01 январь ҳолатига ХМТ ва тижорат банкларида олинган кредит маблағлари бўйича жами 14 999 139 млн. сўм қарзи мавжуд, шу жумладан ўзбек сўмида 6 887 212 млн.сўм, 5 453 802 млн.сум (АҚШ долларида), 1 499 303 млн.сўм (Россия рубль) ва 153 084 млн.сўм (Евро) қарздорлиги мавжуд. Шундан муддати ўтган қарздорлик 999 738 млн.сўм. 2025 йилда қайтарилган кредит маблағлари ҳажми 1 413 150 млн.сўмни ташкил этади, шу жумладан ўзбек

сўмида 536 409 млн.сўм, хорижий валютадаги кредитлар бўйича 334 844 млн.сум (АҚШ долларида) ва 541 897 млн.сум (Россия рубль).

9. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРНИ ЎНДИРИШ

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2025 йил 01 ноябрь ҳолатига, етказиб берилган электр энергияси учун жами дебиторлик қарзлари 2 743,9 млрд. сўм, шу жумладан юридик истеъмолчилар – 1 623,4 млрд. сўм, маиший истеъмолчилар – 1 120,5 млрд. сўмни ташкил этди.

2026 йилда “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти корхоналари томонидан 34 394,2 миллиард сўмлик товар маҳсулоти (электр энергияси) етказиб берилиши режалаштирилган.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ корхоналарида электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий тизимини жорий этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида АСКУЭга тизимига мос келувчи жами 8 771,5 минг дона замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилгани республика бўйича биллинг тизимини тўлиқ жорий этиш ва истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни олдиндан амалга ошириш учун имконият яратди.

Электр энергияси истеъмолчилари билан ҳисоб-китоблар механизмни такомиллаштириш мақсадида тегишли органлар билан биргаликда қарздорлик ўсишининг олдини олиш мақсадида 2026 йилда қуйидаги масалаларни ҳал этишда устуворлик берилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарорларини қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш:

1.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг электр энергияси учун харажатларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш;

1.2. Коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар (сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари) ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни электр энергиясининг таннарх таркибидаги улушидан келиб чиқиб, унинг бир қисmini электр энергияси учун тўлаш учун ажратган ҳолда мутаносиб тақсимлаш тартибини тасдиқлаш. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиявий ёрдам;

1.3. Фермер хўжаликлари томонидан фойдаланилган электр энергияси

учун мавжуд қарздорликларини тўлиқ қоплаш ҳамда келгусида юзага келишини олдини олиш;

2. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарнинг электр энергиясидан мавжуд қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча тугатишни тақиқлашни назарда тутувчи тартибни тасдиқлаш.

10. ЖАМИЯТНИНГ 2026 ЙИЛДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРАДИГАН ИШЛАРИ

2026 йилда таннархни қисқартириш бўйича жами 556,8 млрд.сўмлик ишлар амалга оширилади. Жумладан:

- Технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш -310,1 млрд.сўм;
- Бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш - 107,8 млрд.сўм;
- Асосий фондлар самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш- 138,9 млрд.сўм; (9-илова)

11. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24-апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлда “Акциядорлик жамиятлари ва давлат улуши бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги 207-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, “Худудий электр тармоқлари” АЖ фаолиятига самарадорлигини баҳолаш мезонлари жорий этилган бўлиб, уларнинг бажарилиши ижроия органининг ҳисоботи ҳар чорақда эшитилади. “Худудий электр тармоқлари” АЖ фаолиятига самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва муҳим кўрсаткичлари илова (5-илова) қилинади.

12. КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ИШ ҲАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ

12.1. Кадрлар сиёсати

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан энергетика соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти тизимидаги ҳақиқатда ишловчи ходимларнинг сони 24 780 нафарни ташкил этади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибига кирувчи филиалларда ҳақиқатда ишловчи ходимлар сони тўғрисида МАЪЛУМОТ										
01.11.2025 й.										
№	Худуд номи	ЖАМИ:	шундан: лавозимлар кесимида							
			Раҳбар ва унинг ўринбосар- лари	Т(ш)ЭТК раҳбарлари ва ўринбосар- лари	Бош муҳандис ва ўринбосар- лари	Бошқарма, бўлим ва хизмат бошлиқ- лари ва ўринбосар- лари	Мутахас- сислар	Носаноат ходимлар	Ишлаб чиқариш ходимлари	Хизмат кўрсатувчи ходимлар (хайдовчи, боғбон, фаррош, қорувул ва бошқалар)
	“Худудий электр тармоқлари” АЖ	244	9	0	0	66	103	0	0	66
2	Қорақалпоғистон Республикаси	1 338	5	34	20	27	320	0	760	172
3	Андижон вилояти	1 554	6	21	44	30	634	70	534	215
4	Бухоро вилояти	1 446	5	12	15	124	322	3	622	343
5	Жиззах вилояти	1 293	5	26	13	11	317	0	701	220
6	Қашқадарё вилояти	1 838	3	61	18	35	359	0	1 077	315
7	Навоий вилояти	963	3	20	11	31	184	2	653	59
8	Наманган вилояти	1 530	5	27	16	32	477	0	680	293
9	Самарқанд вилояти	1 938	3	29	19	32	555	3	836	461
10	Сурхондарё вилояти	1 247	5	28	18	22	335	4	582	253
11	Сирдарё вилояти	816	7	16	11	35	245	0	356	146
12	Тошкент вилояти	1 957	2	22	19	118	414	0	995	387
13	Фарғона вилояти	2 404	5	20	22	187	486	2	1 222	460
14	Хоразм вилояти	1 138	5	13	13	31	366	1	422	287
15	Тошкент шаҳар	1 770	7	22	23	49	484	0	879	306
16	“Энергосводо” филиали	3 041	16	211	3	180	2 020	56	129	426
17	“Давлат харидлари маркази” филиали	110	4	0	0	7	37	0	44	18
18	“КМД” филиали	143	3	0	0	15	44	0	51	30
19	“Илмий-техник ва ходимларни малакасини ошириш маркази” филиали	10	1	4	3	0	2	0	0	0
ЖАМИ:		24 780	99	536	268	1 032	7 704	141	10 543	4 457

Жамият ходимларини малакасини ошириш ва соҳа учун етук мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳозирги замон талабларига мослаштириш ҳамда ходимларни соҳавий хизматда ишлаш лаёқатини аниқлаш мақсадида ҳар уч йилда бир мартаба алоҳида ўқув дастури асосида ўқитиш белгилаб берилган.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитишнинг замонавий шакллари, илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида назарий тайёргарликнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлагн ҳолда 2026 йил давомида 7 550 нафар ходимнинг малакаси оширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари Республикамизнинг олий таълим

муассасалари билан ҳамкорликда энергетика тизими учун соҳа мутахассислари бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

2025 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖ марказий аппарати ходимлари сони 244 нафарни ташкил этади.

2026 йилда “Худудий электр тармоқлари” АЖ, 12 та худудий филиаллар, “Энергосавдо”, “Худудий қурилиш-монтаж дирекцияси”, “Давлат харидлари маркази” ва “Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази” филиаллари учун умумий режалаштирилган иш ҳақи фонди 3 903,9 млрд. сўмни ташкил этади.

13. ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 июндаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга асосан Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун 3,0 млрд сўм миқдорида маблағлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Ҳукуматнинг бошқа қарорлари ва давлат раҳбарининг республика худудларига ташрифи якунлари бўйича баённома топшириқлари асосида “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан 60,0 млрд сўм миқдорида ҳомийлик маблағларини ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бошқа баённома ва ҳукумат қарорларига асосан ҳомийлик ёрдами 21,9 млрд сўм миқдорида кўзда тутилмоқда.


14. ХУЛОСА

2026 йилга режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидагилар кутилмоқда:

- истеъмолчиларга 49,4 млрд кВт/соат электр энергияси етказиб бериш;
- 29,6 минг км узунликдаги электр тақсимлаш тармоқлари ва 10,3 минг дона трансформатор пунктини капитал таъмирлаш;
- шунингдек, 6 300 км электр узатиш тармоқлари ва 1 700 трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилиш.
- 2026 йилда умумий қиймати 130 миллион АҚШ долларига тенг тақсимлаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан қуйидаги молиялаштириш манбалари ҳисобидан:

- ✓ *хорижий инвестициялар – 100,0 млн. АҚШ доллари;
жумладан,*
 - *“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан халқаро молия корпорацияси кўмагида Самарқанд вилоятидаги электр тармоқларини модернизация қилиш ва хусусий сектор бошқарувига бериш лойиҳаси 50,0 млн. АҚШ доллари:*
 - *Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан рақамли трансформация ва тақсимлаш тармоғининг барқарорлигини ошириш. (Қорақалпоқ республикаси ва Сурхондарё вилояти) Жаҳон банки 50,0 млн. АҚШ доллари.*
- ✓ *ўз маблағлари – 30,0 млн. АҚШ доллари.*
 - *2026 йилда таннархни қисқартириш бўйича жами 556,8 млрд.сўмлик ишлар амалга оширилади. Жумладан:*
 - *Технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш -310,1 млрд.сўм;*
 - *Бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш - 107,8 млрд.сўм;*
 - *Асосий фондлар самародорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш - 138,9 млрд.сўм;*
 - *“Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибий бўлинмаларини молиявий соғломлаштириш ва иқтисодий барқарорлигини оширишни таъминлаш;*
 - *Ҳисобот йилида 437,2 млрд. сўм соф фойда.*

«Худудий электр тармоқлари» АЖнинг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бoshқарув ходимларининг умумий сони – 137 та.
*техник ва хизматчи ходимларининг умумий сони қонунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ белгиланади.
** Бoshқарув раиси ходимлар сонининг умумий миқдори доирасида штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

**“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг
2026-йил Бизнес-режаси учун
2-ИЛОВА**

**Электр энергетика объектларини қуриш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича
2025-2027 йилларда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари жамланма рўйхати**

млн.долл.										
Лойиҳалар номи	Лойиҳанинг бошланган ва тугалланган йили	Лойиҳавий қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати	Лойиҳанинг 01.01.2025 йил ҳолатига қолган қиймати	2025 йил учун капитал қўйилмалар прогнози	Жумладан: ўз маблағлари ҳисобидан	2026 йил учун капитал қўйилмалар прогнози	Жумладан: ўз маблағлари ҳисобидан	2027 йил учун капитал қўйилмалар прогнози	Жумладан: ўз маблағлари ҳисобидан
“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти			1358,5	1314,2	300	65	130	30	110,6	60
<i>Янги қурилиш</i>			550	550	150	0	50	0	50	0
“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан халқаро молия корпорацияси кўмагида Самарқанд вилоятидаги электр тармоқларини модернизация қилиш ва хусусий сектор бошқарувига бериш лойиҳаси	2024-2030 йй.	Самарқан вилояти электр тармоқлари корхонасини бошқарувга бериш	250	250	100	0	50	0	20	0
